

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 28- декабрдан 2-январ)

№17

Тошкент – 2015



01 Январь 2016

Ўзбекистон халқига Янги йил табриги

- Шрифт ўлчами
 - [Печать](#)
 - [Эл. почта](#)

Азиз ватандошларим!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги — 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга кут-барака тилашни ўзим учун катта бахт, деб биламан. Мана, азизларим, кадрдонларим, бугун биз вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтишига яна бир бор гувоҳ бўлиб, янги йилга, ҳаётимизнинг янги бир довомига кадам қўймоқдамиз.

Айни шу лаҳзаларда ўтаётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган, ён-атрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларни, амалга оширган ишларимизни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказамиз, шу кунларга етказгани учун Яратганимизга шукроналар билдирамиз. Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, охирига етаётган йилимизга яқун ясаб, ҳолисона айтадиган бўлсак, 2015 йил биз учун ҳар томонлама ҳосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Буларнинг тасдиғи ҳақида гапирганда, руҳсатингиз билан айрим мисол ва рақамларни келтиришни ўринли, деб биламан.

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани — буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли кийинчиликларга қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди ва бунинг учун дала меҳнаткашларига хар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ана шундай салмоқли натижаларимиз 2015 йилда аҳолимизнинг реал даромадларини 9,6 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини 21,9 фоизга ошириш имконини берди.

Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда.

Лекин, агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди.

Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.

Ўртага қўйилган бундай улкан вазифанинг нақадар чуқурлигини ва масъулиятини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда

маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.
Азиз дўстларим, кадрли юртдошларим!
2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.
Тасаввур этишнинг ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танти халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан таъзим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.
Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай ҳаяжонли ва шуқуҳли дамларда ҳар қайси инсон янги йилни кутиб олар экан, айна шу дақиқаларда қалбида, юрагида саклаб келаётган эзгу орзу-умидларнинг ушалишини, оиласи, яқинлари, она юрти тинч-омон бўлишини, янги йил янада хайрли ва баракали бўлишини хаёлидан ўтказди.
Ишончим комилки, кириб келаётган 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, хосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Бунинг учун олдинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам замин — пойдевор ташкил қилингани ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, кутилаётган турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиш учун биз катта тажрибага эгамиз.
Мавжуд бўлган тўсиқ ва муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, ташқи томондан пайдо бўлаётган омиллар, яъни глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорларида вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб бораётганини ва бундай оғир муаммолар жаҳондаги кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмас.
Бундай вазиятга қарамасдан, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.
Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат бюджетида илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади.
Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, янги — 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғ-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки қурилишини ниҳоясига етказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар борлигини таъкидлаш лозим.

2016 йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довонини кесиб ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини тугатиб, Фарғона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилиши, шунингдек, “Тошкент — Самарқанд” тезюрар темир йўл қатновининг Бухорогача етиб бориши белгиланган.

Айни вақтда “Женерал моторс — Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” моделидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводида йиллик қуввати 80 минг тонна бўлган олтингугурт гранулалари тайёрлайдиган корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, замонавий тракторлар, янги русумдаги мобиль телефонлар, планшет компьютерлари, ноутбуклар, телевизор ва холодильниклар, кондиционерлар ҳамда бошқа маиший электр техника буюмлари, кенг турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳам фойдаланишга топширилади. Келгуси йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “Боинг-787” ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатимизда янги йилга “Соғлом она ва бола йили” деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нечоғлиқ ҳамоҳанг эканидан далолат беради. Қадрли ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2016 йил билан яна бир бор қизгин табриклайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларга қалбимнинг тўрида бўлган энг самимий тилақларимни изҳор этаман: муҳтарам фахрийларимизнинг умрлари узок бўлсин, мунис аёлларимизнинг чехрасидан табассум аримасин, дилбар қизларимиз янада гўзал ва чиройли, бахтли-саодатли бўлсин,

ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислол КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Самимий қутловлар

Янги — 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси - Президенти Ислол Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва жамоат арбоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини юборганлар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:

Америка Қўшма Штатлари Президенти — **Барак Хусейн Обама**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцян**

Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хэ**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири,
Дубай Амирлиги ҳокими — **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Бош қўмондонининг
ўринбосари, Абу Даби валиаҳди — **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири —
Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён

Испания қироли — **Фелипе VI**

Польша Республикаси Президенти — **Анжей Дуда**

Канада Генерал-губернатори — **Дэвид Ллойд Жонстон**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Туркменистон Президенти — **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Қирғиз Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбаев**

МДХ Ижроия қўмитасининг раиси — Ижро этувчи котиби — **Сергей Лебедев**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

Дилларга бахш этар бир олам шодлик

Юртимизда Янги йил байрами шукуҳи ҳукмрон. Қай бир гўшага борманг, кўркам безатилган арча атрофида жам бўлиб ўйнаётган болажонларга, уларга катта орзулар билан термилиб турган ота-оналарга, набирасини етаклаган буваю бувижонларга, чехрасида келажакка катта ишонч ва мақсад балқиб турган йигит-қизларга кўзингиз тушади.

Юртдошларимиздаги бундай кўтаринки кайфият, чехраларидаги мамнунликда Истиқлол деб аталмиш улуғ неъматга шукроналик ҳисси акс этиб турибди. Кеча пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бошланган Янги йил байрами тантаналари ҳам мамлакатимиз аҳолисининг завқу шавқини янада жўш урдириб, унутилмас таассуротларни ҳады қилмоқда. Бу тадбирларда катнашаётган хорижлик меҳмонлар эса ҳавас билан ушбу қувончли онларга шерик бўлишяпти. Ўзгача руҳда безатилган майдон, кўкка бўй чўзган арчанинг ранго-ранг товланиши ҳар бир болақайни эртақлар олами сари чорлайди. Севимли эртақ қаҳрамонларининг жажжи ўғил-қизлар билан қувноқ ҳаракатлари, дилтортар ашулалар, театрлаштирилган сахна кўринишлари мурғак қалб эгаларига шодлик улашаётир.

Байрам шодиёналари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тантаналар учун махсус барпо этилган катта сахнада Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросида “Янги йил саргузаштлари” номли театрлаштирилган томоша кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Насриддин

Афанди, Шум бола, Эгри ва Тўғри, Зумрад ва Қиммат иштирокидаги чиқишлар бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Бадиий жамоалар, цирк санъати усталари, таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ўзларининг мусиқий дастурларини тақдим қилаётир. Шунингдек, кўплаб аттракционлар, турли савдо шохобчалари ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Бу ерда ўрнатилган улкан монитorda мамлакатимиздаги янгиланишлар, бунёдкорлик жараёнлари намойиш этилмоқда. Мазкур лавҳаларда шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркем қиёфаси, ёшларимизнинг турли соҳалардаги муваффақиятлари, нурунийларимизнинг шу тинч ва фаровон ҳаёт учун дуога қўл очаётгани акс эттирилган. Табиийки, буларнинг барчаси ҳар бир юртдошимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Бинобарин, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида бугунги фаровон ҳаётга эришишда муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун кўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб бораётган ишлар янгича мазмун кашф этди. Яқинлашиб келаётган 2016 йил Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб номлангани бу йўлдаги изчил ислохотларни янада кучайтириб, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида янада улкан ишларни амалга оширишга замин бўлади. — Мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини ўз набираларим мисолида чуқур ҳис қиламан, — дейди Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшовчи ўайрат ота Сулаймонов. — Бугун уларнинг бири ҳарбий, бири моҳир таржимон, яна бири тадбиркор. Мана бу жажжилар ҳам акалари ва опаларидан қолишмаймиз, деб таҳсил олишяпти. Бу гўзал масканда набираларимизнинг мароқли дам олиши учун барча қулайлик яратилибди. Шундай эзгуликнинг бошида турган Президентимизга минг раҳмат. Бундай тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда ҳам бўлиб ўтмоқда.

...Шодиёналар арафасида болажонларга янада қувонч бахш этиш мақсадида совға-саломлар улашиш яхши анъанага айланган. Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Sen yolg‘iz emassan” республика болалар жамоатчилиқ жамғармаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу айёмни юксак савияда ўтказиш учун қизгин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, “Президент арчаси”нинг асосий тадбирлари 29-30 декабрь кунлари пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтади. Унга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилади. — Ўғил-қизларимизга бўлган меҳр ҳамда эътиборнинг ёрқин ифодаси саналган бундай ажойиб тантаналарни республикаимизнинг барча шаҳару қишлоғида юқори

савияда ташкиллаштириш кўзда тутилган, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Яна бир ўзига хос анъанага мувофиқ, болаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тақдим этиладиган ўқув қуроллари, турли ўйинчоқлар ва ширинликлардан иборат бўлган 11 минг дона совға тайёрланди. Уларнинг дастлабкиси Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларига “Президент совғаси” баннери туширилган автотранспортда етказилди. Шунингдек, 5969 дона ана шундай тухфа “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси кўмагида Қорақалпоғистон Республикаси ва 9 та вилоятга олиб борилди. Бу эзгу ташаббус юртимизда ҳар бир фарзанд юксак ғамхўрликдан баҳраманд эканлигининг яққол тасдиғидир.

Мавқеини сақлаб қолди

Япониянинг “Toyota Motor” корпорацияси дунё миқёсида автомобиль сотиш бўйича асосий рақобатчиси — “Volkswagen AG” (Германия) концернини ортда қолдириб, етакчилик мавқеини сақлаб қолди.

Жумладан, шу йилнинг январь — ноябрь ойларида ушбу корпорация томонидан харидорларга 9,21 миллион дона автоулов етказиб берилган. Немис компанияси эса 9,10 миллионга маҳсулот сотишга муваффақ бўлган. Манбада айтилишича, “Toyota Motor” июль ойидан эътиборан савдода “Volkswagen AG”дан ўзиб кетди. Экспертлар йил якуни бўйича ҳам у биринчи ўринни қўлдан бой бермаслигини тахмин қилишяпти.

Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, Кунчиқар юрт ишлаб чиқарувчиси бу борада 2014 йилда ҳам етакчиликка эришганди.

Патент

машмашаси

АҚШнинг “Apple” компанияси Жанубий Кореянинг “Samsung” компаниясидан патентлашга оид қонунчиликни яна бузганлиги учун 180 миллион доллар миқдорида товон пули талаб қилмоқда, дейилади “Рейтер” ахборот агентлиги хабарида.

Бу мобиль алоқа бозоридаги мазкур икки йирик ишлаб чиқарувчи ўртасидаги дастлабки машмаша эмас. “Apple” ва “Samsung” келишмовчилиги 2011 йилда бошланган. Ўшанда океанорти бренди асосий рақобатчисини унга тегишли “iPhone” русумли технологияси ва дизайнidan нусха олганликда айблаб, товон талаб қилган эди.

Қайд этиш жоизки, шу ой бошида “Samsung” агар даъвогар реқвизитларни тақдим эта олса, 548 миллион доллардан зиёд компенсация тўлашга рози эканлигини билдирган.

«Туманли Альбион»да тошқинлар кузатилмоқда

“Ева” атлантика тўфони туфайли Буюк Британиянинг ўарбий ва Шимолий худудларида кучли ёғингарчилик кузатилиб, тошқинлар келиб чикди. Вазият, айниқса, Ланкашир ва ўарбий Йоркшир графлигида жиддий тус олган. Минглаб аҳоли вакиллари эвакуация қилинди. Сув сатҳи келгуси ҳафта бошидан

эътиборан пасайиши айтилмоқда. Мамлакат ҳукумати табиий офат рўй берган жойларга қўшимча ёрдам кучлари жўнатилишини билдирди.

Демографияга

доир

рухсат

Хитой парламенти томонидан барча оилаларга икки нафаргача фарзанд кўриш ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилинди.

У 2016 йилнинг январь ойидан кучга киради.

Гап шундаки, Чин ўлкасида аҳоли сони кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 36 йилдан буён “Бир оила — бир фарзанд” тамойили амал қилиб келарди. Бўлажак ота-оналарда ўғил фарзанд кўришга истакнинг юқорилиги сабаб бу ерда эркаклар сони аёлларга нисбатан сезиларли даражада кўпайиб кетган. Янги қонун орқали бу борадаги нотенгликка барҳам бериш ҳамда меҳнатга лаёқатли фуқаролар сонини янада кўпайтириш кўзда тутилган.

Узоқ

йиллик

саёҳат

Германиялик Хайнц Штуке 1962 йили велосипедда дунёни айланиш учун уйдан чиқиб кетганди. У 50 йил давомида жаҳондаги 196 та мамлакатда бўлиб, 608 минг километрлик масофани босиб ўтди.

Бу ҳақда “Телеграф” нашри хабар тарқатди.

Хайнц ўз саргузаштлари давомида 100 мингга яқин сурат олган, таассуротлари эса 18 минг саҳифалик кундаликка жам бўлган. Ватанига қайтган хаваскор бошидан ўтганлари ҳақида китоб ёзди.

Равшан Эрматов — дунёнинг энг яхши ҳаками

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида Европа клублари ассоциацияси томонидан яқунланаётган йилда дунё футболда ёрқин из қолдирган кишиларни “Globe Soccer Awards — 2015” мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувонарлиси, эътироф этилганлар орасида ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳам бор.

Ҳамюртимиз “Йилнинг энг яхши ҳаками” деб топилди. Айни пайтда жаҳондаги деярли барча нуфузли телеканал, спорт -нашрлари, интернет сайтлари ана шу анжуман тафсилотлари ҳақида сўз юритар экан, тақдирланганларга бирма-бир тўхталиб, ўз фикрларини билдиришяпти. Равшан Эрматов тўғрисида эса у, ҳақиқатан ҳам, ушбу мукофотга энг муносиб эканлиги айтилмоқда. “Ўзбекистон ҳакамлик мактабидан ўрганиш керак” деган мулоҳазаларнинг янграётгани мамлакатимиз спортга, футболга, ҳакамлик мактабига берилган юксак баҳодир.

Таъкидлаш жоизки, “Йилнинг энг яхши ҳаками” деган номни олиш учун Равшан Эрматовдан ташқари, Жунайд Чақир (УЕФА), Вильмар Рольдан (КОНМЕБОЛ), Хоэль Агиляр (КОНКАКАФ), Бақари Папа Гассама (Африка футбол конфедерацияси) ва Норберт Хауата (Океания футбол конфедерацияси) каби таниқли мутахассислар ҳам даъвогарлик қилганди. Жаҳон миқёсида футбол ишқибозлари юртдошимизни ўз ишининг моҳир устаси,

тажрибали мутахассис сифатида яхши билишади. У кўплаб нуфузли чемпионатларда ўйинларни адолатли бошқариш, тўғри ва тез қарор қабул қила олиш фазилатларини ёрқин намоён этиб келаяпти. Эрматов 2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги деярли барча йирик турнирда қатнашмоқда. Жумладан, 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йилда XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда Бразилияда ташкил этилган конфедерациялар кубоги баҳслари, 2010 ва 2014 йиллардаги футбол бўйича жаҳон чемпионатларида ҳакамлик қилган. Шунингдек, жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси финалини бошқаргани ҳам диққатга сазовордир. Ўз навбатида, ҳамюртимиз мундиалларда жами тўққизта учрашувда бош ҳакамлик қилган ягона рефери сифатида жаҳон рекордини ўрнатган. Бу ҳам Ўзбекистон фарзандлари маҳорат ва заковат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигининг яна бир амалий тасдиғи саналади. Бинобарин, халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболни нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов Президентимизнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармониға мувофиқ, “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланган. Ишқибозлар эътиборига маълум қиламизки, Дубайдаги маросимда Испаниянинг “Барселона” клуби ҳамда Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси “Энг яхши футболчи” сифатида тақдирланди. Бельгия терма жамоасини бошқараётган Марк Вильмотс “Энг яхши бош мураббий” деб топилди. Шунингдек, “Энг яхши клуб”, “Энг яхши футбол -академияси”, “Энг яхши клуб президенти”, “Энг яхши футбол агенти” каби номинациялар бўйича ғолибларга “Globe Soccer Awards — 2015” мукофоти топширилди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А